БУГУН — СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ



Капитан В. Тимченко командирлик қилаётган ракетачилар бўлинмаси жангчилари сиёсий ва жанговар тайёргарликни пухта олиб бормоқдалар. Сўнгги машғулотларда ракетанинг учирилишига катта баҳо берилди. СУРАТЛАРДА: (чапда) старший лейтенантлар Г. Новожилов, М. Сизак, капитан В. Тимченко ва кичик сержант Н. Андриановлар. Ўртада — Қизил байроқли Қора денгиз флоти. Ўнгда — офицерлардан И. Лубяний билан А. Сташковлар (чапда) самолётни парвоз олдидан текширишяпти.

В. МУСАЭЛЬЯН, Н. АКИМОВ, В. КУНЯЕВ ва Д. КИСИЛЕВ фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

23 ФЕВРАЛЬ 1970 й. 5-йил чиқиши. ДУШАНБА № 45 (1113). БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Қудратли Совет Армияси ташкил топганлигининг 52 йиллиги муносабати билан шаҳардаги маданият муассасаларида бир катор тадбирлар ўтказилмоқда.

Бугун

шаҳардаги район кутубхоналарида шу муносабат билан китоб кўргазмалари ташкил этилди. Уларда Совет Иттифоқи халқларининг олиб борган матонатли курашлари ва қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Булардан ташқари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар, кечалар ўтказилмоқда.

Охунбобоев номли маданият уйида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Октябрь район ҳарбий комиссари, полковник Ботир Бобоев билан учрашув бўлиб ўтди. Уруш қаҳрамони йиғилганларга Улуғ Ватан уруши хотиралари ҳақида гапириб берди.

Луначарский маданият уйида Совет Иттифоқи Қаҳрамони О. Ҳакимов билан ҳам қизиқарли учрашув бўлиб ўтди.

● Институт янгилиги

ФАРМАЦЕВТЛАР КУРСИ

Фармацевтика институтида дорихоналар бошлиқларининг беш ойлик малака ошириш республика курси очилди. Курсда лекция ва амалий машғулотларни институтнинг етакчи олимлари олиб бормоқдалар.

Бугун

курснинг биринчи потоғини 40 дан ортиқ олий маълумотли провизорлар битириб чиқишди. Булар орасида Узоқ Устюрт, Мирзачўл ва Қаршн шаҳарларидан келган мутахассислар бор.

ТАШАББУСКОРЛАР ЮТУҒИ

Юбилей йили тўрт ойлик топшириғини 22 апрелга бажариш шиори билан чиққан «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг коллективи ўтган йили планга қўшимча бир миллион 258 минг сўмлик маҳсулот реализация қилган эди. Чеварлар январь ойида ҳам катта ютуқларга эришдилар. Ойлик планга қўшимча 104 минг сўмлик эркаклар костюми савдо ташкилотларига чиқарилди.

Яқиндаги қувончли воқеа корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини янги ютуқлар сари ундади. Тикувчилар Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун СССР Енгил саноати министрлиги ҳамда тўқимачилар ва енгил саноати ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини тўртинчи бор қўлга киритдилар.

— Ленинча зарбдор юз кунлик меҳнат вахтасини давом эттираётган коллектив февраль ойи топшириғини муддатидан илгари адо этиш ва планга қўшимча эллик минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун курашмоқда,— дейди фирма партия комитетининг секретари В. Р. Абаков.

Оҳолича қулайлик

ПЎЛАТ ИЗЛАР

Йўлдош Охунбобоев майдони ёнида Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари Ғафур Ғулом кўчасини студент шаҳарчаси билан боғлаш учун янги пўлат излар ётқизишяпти.

Бошқарма энергия хизмати бўлими ишчилари эса бу янги маршрут учун қўшимча подстанция қуришмоқда.

Қурилиш ишлари тугагач, 19-маршрутдаги трамвайлар Ғ. Ғулом кўчасидан студентлар шаҳарчасига қатнай бошлайди.

«МАРКАЗ-5»ДА МАГАЗИН

Бугун

Киров районидаги «Марказ-5» кварталида «Таштекстильшвейторг»га қарашли газмоллар ва кийимлар магазини эшиклари очилди.

Янги магазин биноси Россия Федерациясининг Саратов қурилиш-монтаж поезди азаматлари бунёд қилган тўққиз қаватли уйнинг биринчи қаватига жойлашган.

Улкан ва ойнаванд магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатади. Бу ерда ўттиздан ортиқ ходим ишлайди.

Харидорлар магазиннинг еттита бўлимидан ранг-баранг газмоллар, аёллар ва эркакларнинг костюмлари, қўйлаклар ва бошқа буюмларни сотиб олишлари мумкин.

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ОШХОНАСИ

Олой бозорида хўрандаларга хизмат кўрсатиш мақсадида Қурилиш ишлари тугаётган ер ислоҳатигина ана шу жиддий проблемаларни ҳал этиши мумкин.

ЛОНДОН. Австралиянинг ғарбий районларида рўй берган қаттиқ жалолар ва одатдан ташқари совуқ Ғарбий Австралия штатининг чорвачилигига катта зарар етказди. Рейтер агентлигининг мухбирининг Перт шаҳридан хабар беришича, Ғарбий Австралия штатида 40 минг-

ХУШХАБАР

В. Чкалов номидаги Авиация заводи коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига муносиб армуғонлар тайёрламоқда. Корхона меҳнатчилари социалистик мусобақани ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юборишдилар. Куни-кеча заводга келган хушхабар ҳар бир ишчи қалбини тўлқинлантириб юборди. Чкаловчилар Бутуниттифоқ социалистик мусобақада ғолиб чиқишди.

Ғолиблар Бекобод металлургия, Тошкент холодильниксозлари ва «Юлдуз» фирмаси коллективларининг доҳий юбилейини муносиб кутиб олиш ва беш йиллик топшириқни барвақт бажариш юзасидан бошлаган ташаббуси асосида ишламоқдалар. Корхонанинг кўпгина цех, бригадалари тўрт ойлик топшириқни 22 апрелгача адо этишга бел боғлаган. Авж олаётган мусобақада 95-цех фидокорлари пешқадамлик қилишаётир.

Тошкент — Ленинча зарбдор юз кунлиқда

Тўйга тўёнамиз

Беш йилликнинг тўртинчи йили биз учун ҳам қувончли йил бўлди. Ленинча меҳнат вахтасида туриб, меҳнат коллективимиз йиллик планни муддатидан илгари — социалистик мажбуриятда кўзда тутилганидан 21 кун олдин адо этди.

Коллективимиз аъзоларининг юбилей йили режалари катта. Биз улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик юбилейига ёруғ юз, меҳнатда улкан зафарлар билан боришга аҳд қилганмиз.

Янги йил яхши бошланди. 373 ўрнига 280 минг сўмликдан кўпроқ бош кийимлари тикиб бериб, 1970 юбилей йилининг январь ойи планини 102 процентдан ошириб бажардик.

Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли металлургия заводи, пойтахтимиздаги рўзғор холодильниклари заводи билан «Юлдуз» фирмаси коллективларининг В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ҳақидаги ажойиб ва айни муддаомиз бўлган ватанпарварлик ташаббусларини бажонидил маъқуллаймиз.

Коллективимиз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб 1970 юбилей йили режаларини белгилаб олди.

Биз тўрт ойлик топшириғини 22 апрелгача, йиллик планни 23 декабргача, беш йиллик топшириқни 7 ноябргача бажаришга, 1970 йили пландан ташқари 110 минтга бош кийимлари тикиб беришга, 2000 киловатт-соат электр энергиясини тежашга аҳд қилдик.

Меҳнат унумдорлиги 1970 йили планда кўзда тутилганидан 2 процентга ошади. Янги моделлардан ўттиз ҳилини ишлаб чиқаришга жорий этишга қарор қилганмиз.

Ҳеч шубҳа йўқки, бош кийимлар фабрикаси ишчилари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар. Бутун коллективимиз «Ленинча беш йиллик зарбдори» деган шарафли номга эга бўлиш, «юбилей фахрий ёрлиғи» ва юбилей медалини олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Т. МИРСАИДОВ, фабрика директори,
П. СВЕРДЛОВ, партия ташкилоти секретари,
Р. МАХАНОВА, касаба союз ташкилоти раиси.

Тошкент шарик-подшипник заводи план топшириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар.

СУРАТДА: сепаратор-ролик цехининг шлифовкачиси Маҳфуза Хошимова. У ўзининг беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажарди. Илғор ишчи цехда ўз қизи Матлуба Холматова (ўнгда) билан ишлайди.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

СОЗЛОВЧИЛАР ШИЖОАТИ

— Шу кунларда — дейди Тўқимачилик комбинати 3-йигирув фабрикаси тараш цехининг мастери М. Жамолов, — цехимиз ремонтчи созловчилари юз кунлик зарбдор меҳнат вахтасида туриб, ойида 75-80 ўрнига муддатидан илгари 85 машина сифатли созлаб бермоқдалар. Машиналарнинг 80 процента аълога топширилятпи.

Бригаданинг унумли меҳнатидан таровчилар мамнун.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги кўргазмаси павильонларининг бирида «Ёшлар изланиши ва маҳоратн В. И. Ленин юбилейига» номли кўргазма очилди.

СУРАТДА: кўргазма залларида. Ш. Раззоқов фотоси.

Оромгоҳлар қучоқ очади

ДАМ ОЛИШ МАВСУМИ

Бу йил республика меҳнаткашлари ўзларининг меҳнат отпускаларини қандай ўтказадилар. Ўзбекистон касаба союзлари курортлар бўйича республика советида мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилишди.

Баҳор келяпти. Ҳа демай отпускалар бошланади. Барча курорт, санаторий, дам олиш уйларида бу йилги мавсумга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳордиқ чиқариладиган масканларда ремонт, ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, дам олувчиларга жой тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Юбилей йилида 100 мингдан ортиқ киши оромгоҳларга таклиф қилинади. Дам олувчи ва даволанувчиларни бир қатор янгиликлардан хабардор қилиш мумкин. «Чорток», «Чнобод», «Ботаника» каби курорт ва дам олиш санаторийларида ўсмирлар учун махсус бўлимлар очилади. Шу ерларда 450 ўсмирга жой тайёрланмоқда. «Чорток» курортида ошқозон касалликлари учун юз ўринли бўлим ҳам очилади.

«Луначарский», «Кумушкон», «Кибрай», «Октябрь ўн йиллиги», «Фарғона» дам олиш уйларида ҳам мавсумга барча шароитлар муҳайё этилмоқда.

Келгусида республикада бир қатор дам олиш уйларини кенгайтириш, янгиларини қуриш борасида ҳам талай ишлар олиб борилади.

«Фарғона» дам олиш уйининг комплекси тўла қурилиб фойдаланишга топширилса, 500 киши ҳордиқ чиқаради. Бир йўла минг кишини баҳрига чорлайдиган «Чимён» курортини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

● Институт янгилиги

ФАРМАЦЕВТЛАР КУРСИ

Фармацевтика институтида дорихоналар бошлиқларининг беш ойлик малака ошириш республика курси очилди. Курсда лекция ва амалий машғулотларни институтнинг етакчи олимлари олиб бормоқдалар.

Бугун

курснинг биринчи потоғини 40 дан ортиқ олий маълумотли провизорлар битириб чиқишди. Булар орасида Узоқ Устюрт, Мирзачўл ва Қаршн шаҳарларидан келган мутахассислар бор.

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ КЎЗЛАБ

Бугун

Модалар уйида республика улгуржи савдо ярмаркаси ўз ишини тугатди. Икки кун ишлаган бу ярмаркада пойтахтдаги барча савдо базалари, ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар. Бундан ташқари ярмаркага республика областларидаги кўпгина савдо бошқармалари ходимлари ҳам таклиф қилиндилар.

Ярмаркани Ўзбекистон ССР савдо Министрлиги, республика савдо-воситачилик идораси, «Ўзбекбирлашув» ташкил қилган. Республика савдо воситачилик идорасининг бошлиғи, ярмарка директори Важия ҒУРОЗОВА мухбиримизга бундай деди:

— Меҳнатка ш л а р г а савдо хизмати кўрсатишда бир қатор камчиликлар пайдо бўлиб қолди. Масалан, аҳолига зарур бўлган моллар, камёб бўлиб қолятпи ёки айрим моллар кўпайиб кетмоқда. Республикаларнинг айрим областларида кўпайиб кетган саноат молларини Тошкент шаҳрига олиб келиб сотилса, халққа ва давлатга фойдали бўларди. Ярмаркани ўтказишдан мақсад ана шу камчиликларни бартараф этишдир.

Биз бу ярмаркани якунлашимиз билан республикаларо ана шундай ярмарка ўтказамиз. Совет Иттифоқи бўйича ўтказиладиган бу ярмаркага анча вақтдан бери тайёргарлик кўрилмоқда.

25-27 февралда шу ерда ўтказиладиган навбатдаги ярмаркага РСФСР, Украина, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Болтиқ бўйи республикалари таклиф қилинган. Бу республикалардан 1200 савдо вакили Тошкентга етиб келишади. Ҳозиргина Слмаота шаҳридан телеграмма олдик. Қозоқ дўстларимиз ярмаркага 10 миллион сўмлик ҳар хил саноат моллари тавсия қилишади. Бундай телеграммалар бошқа шаҳарлардан ҳам келиб турибди.

Бизнинг интервью

Ўзбекистонда радиоларнинг ҳар хил маркалари бор. Бироқ баъзи радиола ва телевизорлар аҳолига етишмайди. Шунингдек, ипак газлама, крепдешин, духоба, чинни буюмлар, мебеллар, қардош республикаларда кўплаб топилади. Бизда эса кир ювиш машиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари керагидан ортиқча. Ярмаркада ана шу муаммолар ҳал қилинади. Бу билан ҳар бир республикада таъминот яхшиланиб, савдо ишлари янада юришиб кетади.

Ярмаркада бир неча ўн миллион сўмлик моллар кўтара савдо қилиниши мўлжалланмоқда.

● Ибратли тадбир

БИРИНЧИ КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ

Куни-кеча Тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасида «Касби бўйича моҳир» деган шарафли ном учун конкурс бўлиб ўтди. Доҳий юбилейига бағишланган конкурсда ёш сараловчи Н. Парфёнова ғолиб чиқди. У сменада 9300 метр газламани саралади. Бу сменадагидан 3000 метр кўпдир.

Иккинчи ва учинчи ўринларни К. Сим ва С. Раҳматуллаевалар олишди. Ғолибларга фабрика маъмурияти эсдалик совғалари топширди.

«Касби бўйича моҳир» конкурси яқинда комбинат бўйича ўтказилади.

Шаҳарча кўчди

Ленин кўчасидаги тўққиз қаватли бинонинг махсус яҳиҳозланган пастки хоналарига маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчаси кўчиб кирди.

Илгари бу шаҳарча павильонлари марказий бозор майдони ёнида эди.

Барака-тежамда

ИЖОДКОРЛАР УЛУШИ

Ҳалқимизда «Тежоғлик иш — бежоғлик» деган ажойиб нақл бор. Бу нақлга тракторсозлик заводи ишчи-хизматчилари ҳам қатъий амал қилиб, ҳом ашё ресурсларини тежаш, қўл меҳнатини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилашга эътиборни тобора кучайтирмоқдалар. Корхона коллективининг тежамкорлик юришида завод ихтирочи ва рационализаторлари актив иштирок этишаётир. Улар юбилей йилининг дастлабки ўнинчи кунидаёқ зиммаларига олинган беш йиллик топшириғи муддатидан илгари адо этилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Шу даврда янгилик ижодкорларининг 720 ихтирочилик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бундан давлатга салкам 830 минг сўмлик фойда келтирилди. Қимматли таклифлар туфайли кўпгина мураккаб технологик жараёнлар осонлашиб, қўлда бажариладиган ишлар механизация қилинди.

Завод ихтирочилари шу кунларда қизғин ижодий иш билан банд. Улар меҳнатдаги зафарларини доҳий В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейига бағишламоқдалар. С. Тоиров, А. Пилипенко, Я. Белага, В. Никитин сингари тажрибали ихтирочиларнинг ҳар бири учтадан авторлик гувоҳномасига эга бўлдилар. Бу ўртоқлар тўрт тоннали трактор прицепларининг конструкциясига қатор ўзгаришлар киритдилар.

Завод оддий ишчиларининг ҳам янгилик сари интилаётганлиги қувонарлидир. Электр-слесарь Ш. Каримов 9 та қимматли таклиф автори. Асбобускуналарни ремонт қилувчи слесарь Ю. Собитов ҳам ундан колишмайди. Илғор ишчининг ишлаб чиқаришга жорий этган олти таклифидан беш минг сўмдан ортиқ фойда кўрилди.

Ҳозирги кунда завод аҳли пахтачиликка мосланган «Тошкент» трактори тайёрлаш устида бош қотиряпти. Корхонанинг юзлаб ихтирочи ва рационализаторлари ҳам дастлабки ўзбек тракторининг яратилишига ўз улушларини қўшаётирлар.

● Студентлар учун

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Кўпгина техника олий ўқув юртларида материаллар қаршилиги фани ўтилади. Бироқ, ҳалигача бу фан бўйича ўзбек тилида умумий бир дарслик йўқ эди.

Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг материаллар қаршилиги кафедрасининг мудири, доцент К. М. Мансуров мазкур дарсликни яратди. «Ўқитувчи» нашриёти босмадан чиқарган «Материаллар қаршилиги» китоби студентларни бепиҳоя шод этди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

САН-ХОСЕ Коста-Рикадаги 114 минг қишлоқ хўжалик ишчиси йилига фақат уч ой мобайнида иш билан таъминланган. Ер ва колонизация институтининг маълумотларига қараганда, мамлакат қишлоқ аҳолисининг ярмаси ишсизликдан азоб чекмоқда. Деҳқонларнинг кўпчилиги эса қашшоқ ҳаёт кечирмоқда. Институт ходимларининг фикрича, кенг кўламда ўтказилган ер ислоҳатигина ана шу жиддий проблемаларни ҳал этиши мумкин.

ЛОНДОН. Австралиянинг ғарбий районларида рўй берган қаттиқ жалолар ва одатдан ташқари совуқ Ғарбий Австралия штатининг чорвачилигига катта зарар етказди. Рейтер агентлигининг мухбирининг Перт шаҳридан хабар беришича, Ғарбий Австралия штатида 40 минг-га яқин қўй нобуд бўлган.

СИНГАПУР. Кеча Филиппиннинг пойтахти Манилада бўлиб ўтган митингга салкам 30 минг ишчи, деҳқон ва студентлар йиғилишди. Матбуотнинг хабар беришича, улар Америка империализмининг тугаётган сиёсатини қораладилар ҳамда Филиппиннинг Қўшма Штатлар билан тузган тенг ҳуқуқсиз шартномалари бекор қилинишини талаб этдилар. Митингдан сўнг салкам 2 минг киши Америка элчихонаси томон йўл олиб, унинг территориясига бостириб кирди ва бинони тошбўрон қилди. Америкининг денгиз пиёда аскарлари кўздан ёш оқизувчи газни ишга солиб, намойишчиларни тарқатиб юборишди. Намойишчилар билан полиция ўртасида тунгача давом қилган тўқнашувлар натижасида 100 дан ошиқ киши қамоққа олинди, жароҳатланганлар бор.

(ТАСС).

Болгария. Свиштова қурувчи ва монтажчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига 120 киловатт қувватга эга бўлган тец ва вискоз-целлюлоза толаси заводини муддатида фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар. Бу йирик химия иншоотн Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилмоқда.

СУРАТДА: Совет инженерлари Борис Вудовин, Борис Нефедов ва Николай Архипов болгар мутахассислари орасида. Уларнинг тэц қурилишида иштирок этмоқда.

БТА-ТАСС фотоси.

*Шонли эллик икки йил

Сўнмас у кунлар шуҳрати

Қаҳрамон ҳақида фильм

Солдатлар ҳақида ҳикоялар

...Ўзимизнинг тинч қурилиш ишларимизга киришгач, биз уни тўхтовсиз равишда давом эттириш учун бор кучимизни сарф қиламиз. Шу билан бирга ўртоқлар, хушёр бўлингиз, мамлакатимизнинг ва Қизил Армиянинг мудофаа қобилиятини кўз қорачиғидай сақлангиз...

В. И. Ленин

Ватан посбонлари

Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ғалабасидан бунёд бўлган ёш Советлар республикаси империализм агрессиясининг объектига айланиб қолди. Шунинг учун ҳам социалистик Ватанни ҳимоя қилиш партиянинг, пролетариатнинг бош вазифасига айланди. Революция, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — ўзини ҳимоя қилишни билсагина чинакам мазмун касб этади.

Владимир Ильич Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишда ишчилар синфининг жанговар ташкилоти янги, социалистик типдаги армияни тузишга алоҳида эътибор берди.

1918 йил 15(28) январь куни В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Советининг Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси ни тузиш ҳақидаги декретга имзо чекди.

Ёш Совет Армияси синфий асосда, ўзида ишчилар синфининг ғояларини мужассамлаштирган ва бевосита коммунистик партия раҳбарлигида ҳаракат қиладиган ишчилр ва деҳқонлар армияси сифатида пайдо бўлди.

Ленининг «Социалистик Ватан хавф остида» деган чақириғига амал қилиб ишчилар ва солдатлар, деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар қизил гвардиячилар отрядларига кира бошладилар. Улар ўз Ватанини ҳимоя қилиш учун дарҳол жангга йўл олар эдилар.

Қизил Армия отрядларининг қудрати шунча кучли эдики, империалистик Германия полклари 1918 йил 23 февраль куни Псков ва Нарва остонасида бутунлай тор-мор этилди. Ўша кундан бошлаб бизнинг мамлакатимизда 23 февраль йил сайин Совет Қуролли Кучлари куни сифатида нишонланади.

Ленин кўрсатмаси билан Туркистон ҳарбий округи ташкил қилинди. Унинг бошлиғи қилиб Михаил Васильевич Фрунзе тайинланди. Туркистон фронтига Биринчи, Тўртинчи, Ун биринчи армиялар киритилди. Тўртинчи армия составида афсонавий 25-чапаевчилар дивизияси бор эди.

1920 йилнинг август ва сентябрь ойларида Қизил Армия томонидан Эски Бухоро қалъаси ҳам олинди. Амир жангчилари бутунлай тор-мор қилинди. 2 сентябрь куни М. В. Фрунзе Владимир Ильич Ленинга телеграмма юборибди, Қизил Армия томонидан Эски Бухоро қўлга олинганлиги бу курашда Бухоронинг Қизил гвардиячилари қаҳрамонона жанг қилганлиги ҳақида хабар қилди.

Совет Туркистони ерларида бўлган бу ва бундан илгариги жангларда турли миллат солдатлари билан бир қаторда республика йигитлари ҳам елкама-елка турриб жанг қиладилар. Бу қаҳрамонлар орасида Султон Муқим, уч марта Қизил Байроқ орденли, дивизия командири Я. Қулиев, Ю. Наримонов, М. Миршаропов каби лиларнинг номи бордир.

Коммунистик партия Ленин васиятларига ҳамиша амал қилиб келди. Қисқа вақт ичида мамлакат индустрлаштирилди. Қишлоқ хўжалиги коллективлаштирилди. Шу билан бир қаторда мамлакатнинг ҳарбий қудрати ҳам ўсиб борди.

Гитлерчилар Германияси билан бўлган уруш социалистик давлат ва унинг армия ҳамда флоти учун синов бўлди. Жаҳонда ҳеч бир давлат Совет мамлакатига қилинганидек оғир ҳужумга бардош бериши мумкин эмас эди. Бироқ Ленин партияси бошлиқ бизнинг халқимиз уруш йилларининг барча синовларига чидади.

Немис-фашист босқинчилари Москва, Сталинград, Курск остоналарида жангларда, Белоруссия ўрмонларида ўз ажалини топди. Совет жангчилари гитлерчиларнинг ҳарбий машинасини синдирдилар, фашист вермахтлари байроғини топтаб Германияни сўзсиз таслим бўлишга мажбур қилдилар.

Совет жангчилари қисқа вақт ичида миллион кишидан ортиқроқ Квантун армиясини тор-мор қилдилар. Япон милитаристлари устидан қозонилган ғалаба иккинчи жаҳон урушини тугаллашни тезлаштирди.

Туркистон ҳарбий округи территориясида тузилган қисм ва бирлашмаларнинг жангчилари ҳамда командирлари ҳам фашист босқинчиларига қарши жангларда мардлик намунасини кўрсатдилар. С. Раҳимов, М. Узоқов, Ф. Норхўжаев каби генераллар, Б. Бобоев, Ш. Умаров каби полковниклар номи бутун мамлакатга маълум. Республикамиздан 120 мингдан ортиқ киши юксак мукофотлар билан тақдирланган. Шундан 280 ўзбекистонлик йигитга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

Партиямизнинг армиямизга қилаётган мунтазам ғамхўрлиги туфайли Қуролли Кучларимиз биринчи даражали замонавий техника ва қурол билан жиҳозланган жаҳонда энг қудратли армияга айланди. СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали А.А. Гречко жангчиларимизнинг техникавий қудрати ҳақида гапириб, танк дивизияларимиз 1939 йилдагидан 16 марта, бронетранспортёр ва бронемашиналар 39 марта, автомат қуроллар 13 марта, алоқа жиҳозлари 5 марта кўплигини айтган эди.

Ҳарбий Денгиз флоти ҳам бутунлай ўзгариб кетди. Атом двигателли, ракета қуроллари билан жиҳозланган сув ости кемалари флотимизнинг асосий базаси бўлиб қолди. Бу кемалар минглаб километр масофадан туриб сув остидан душман объектларини йўқ қилиши мумкин.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясидаги умумий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунни бажара бориб республика ҳарбий комиссариати Совет Армияси сафига чақирилувчиларнинг ҳар томонлама етук бўлишларига эришмоқда.

Ўтган йили Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотига республикамиздан чақирилган ёшларнинг 93,6 проценти саккиз йиллик ва олий маълумотли, 95 проценти ГЗР нормаларини бажарган ва 63,4 проценти разрядли спортчилардир. Айниқса ёшларнинг махсус техника маълумотига эга бўлиши уларнинг ҳарбий хизматига катта ёрдам берияпти. Ўтган йили чақирилганларнинг 70 проценти техника маълумотига эга бўлган ёшлардир.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти билан биргаликда социалистик мамлакатларнинг армиялари тинчлик посбонлари бўлиб турибдилар. Қардош социалистик мамлакатларнинг Варшава шартномаси империалистик агрессорлар хужумига ҳамиша қалқон бўлади.

К. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари, генерал-майор.

БАЙРАМ БИЛАН ҚУТЛАЙДИЛАР

Бугун

МАМЛАКАТИМИЗДА КАТТА ТАНТАНА. ЛЕНИНЧА СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 52 ЙИЛ ТЎЛДИ.

Шу йиллар мобайнида Ватанимиз посбонлари ўсди, улғайди, мислсиз куч-қудратга эга бўлди.

Мен Гражданлар урушининг қатнашчиси сифатида, ўша суронли йилларни эслаб, ҳозирги қудратли армиямизга официрлар айтаман! Ҳа, сиз посбонларни Совет Армияси куни билан табриклайман. Тинч қурилиш йилларида коммунизмнинг муҳташам биносини қураверайлик.

М. ҚОСИМОВ,
1919 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер.

Улуғ Ватан уруши! Бу сўзни ким эсламасин, даҳшатга тушади. Гитлерчиларнинг хиёнаткорона ҳужумини совет халқи, унинг жанговар армияси мардонавор енгди, ғалаба қилди. Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Қуролли Кучларининг куч-қудрати нималарга қодир эканлигини курсатди.

Мен ҳамшаҳар жангчиларни қутлуғ байрам билан табриклайман.

Б. БОБОЕВ,
полковник, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

Мен Совет Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаяпман. Сиёсий ва жанговар топшириқларни доимо ўз вақтида адо этяпман.

Бугун Совет Армияси кунида барча сафдошларимни табриклайман. Ватан посбонлигида оталарнинг сўнмас шуҳратини шараф билан сақлайлик.

А. НАРЗУЛЛАЕВ,
Совет Армияси аъločиси, Н-қисм.

КУРСАНТЛАР ХОРДИҚ ЧИҚАРИШЯПТИ... Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоэтюди.

● *Солдат~солдат ҳақида*

ФАРИДНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Бўлинмамизда оддий солдат Фарид Қосимовни ҳамма танийди, ҳурмат қилади. У меҳнатсеварлиги, касбига меҳр қўйиб хизмат қилаётганлиги туфайли коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқда. Ҳарбий шофер, оддий солдат Фаридниг хизматлари мақтовга сазовор. Унга биркитилган жанговар машина доим шай, озода.

Фарид тажрибали жанговар тайёргарликлар аъločиси ҳам. Енгил атлетика ва футбол бўйича 1 ва 2 разряд олди. Фарид ҳарбийлардан М. Илиев, В. Бабкин, Ф. Бтюцкий каби оддий солдатларга техника сирларини ўргатмоқда.

Фан ва техника сирларини пухта эгаллаётган ана шундай аъločи, актив ҳарбийлар бўлинмамизда кўплаб топилади. Фарид издошларидан А. Назарқулов, О. Абдуллаев, В. Есин каби шофёрлар ундан ўрнак олиб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Т. УСМОНОВ,
оддий солдат.

СОЛДАТ ФАРЗАНДИ

Қуёш ботди. Ҳаяжонли машғулотлардан кейин солдатлар дам олишга киришишди. Нодир Тоғаев эса отасига мактуб ёзишга ўтирди. У отасига — она Ватанга садоқат билан хизмат қилишдек, вазифани шараф билан адо этаётганлигини хабар қилишга ошиқарди.

Нодирнинг отаси — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У ҳар сафар ўғлига, ўз командири топшириқларини сўзсиз бажарадиган, интизомли кишилар жангда ғалаба қозонишини қайта-қайта уқтирарди.

Ота насиҳати зое кетмади. Ефрейтор Н. Тоғаев артиллеристлар сафида хизмат қила бошлаган дастлабки кунда командирнинг ҳар бир гапини диққат билан тинглади. нимани тушунмаган бўлса сўраб ўрганди, бўш вақтларини қурол ёнида ўтказди.

Артиллериячи солдат шу йўсинда малака орттира бошлади. Шунинг учун ҳам офицерларнинг мақтовига сазовор бўлди.

Нодир эришилган муваффақият билан чекланиб қолмайди. У ҳарбий ишни янада қунт билан ўзлаштиришга киришади. Бўлинма В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилгач, Нодир ҳам расчёт командири вазифасини бажаришни ўз зиммасига олди.

Ўқишда эришган юқори натижалари, мустаҳкам интизомлилиги ва сиёсий ҳамда жанговар тайёргарликдаги ютуқлари учун ефрейтор Нодир Тоғаевга Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти байрами арафасида уйига бориб келишга рухсат берилди.

Ф. ФОЗИЛОВ.

●АЪЛОЧИ АЛОҚАЧИ

ОИЛА ҚУВОНЧИ

МОСКВАДАН салом! Азиз меҳрибонларим, сизларга самимий салом йўллайман. Ҳозиргина радиони қўйиб, сизларни ўйладим. Дадам билан ойимнинг кичкина укамни опичлаб ўтиргани ва Мархабонинг дарс тайёрлаётганини эсладим.

Серқуёш диёримиз пойтахти Тошкент гўзаллашиб кетгандир...

Мен ҳам яқинда кичик сержантлик унвонига кўтарилдим. Қўлимдаги бўлинма солдатлари аъло даражада хизмат қилишяпти. Шуни айтайки, 100 га яқин алоқа ҳунарига қизиқувчи солдатларга лекция ўқияпман. Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти байрамига яхши натижалар билан келяпман...»

Оилада қувонч устига қувонч қўшилди. Оила бошлиғи тажриба-механика заводи ишчиси Ҳасан Ризаев ва онаси Хайриниса хола фарзандининг Совет Қуролли Кучларида ўрнак кўрсатиб хизмат қилаётганидан ниҳоятда шод.

Дарҳақиқат, Ахмаджон 1968 йили Тошкентдаги алоқа техникумини имтиёзли тамомлаб, алоқа институтига ўқишга кирди. Биринчи курсда таълим олаётганида гражданлик бурчини ўташ учун Совет Армиясига жўнади.

Ҳозир у ҳарбий хизматда. Узининг ишчанлиги билан сиёсий ва жанговар топшириқларни аъло даражада адо этмоқда. Бир неча бор полк командири томонидан раҳматнома олди, «Совет Армияси аъločиси» нишони билан тақдирланди.

Н. КАРИМОВ,

СУРАТДА: Совет Армияси аъločи-алоқачиси А. ҲАСАНОВ.

У КУНЛАР ШУҲРАТИ ҲАМОН ЕДИМИЗДА

●ОНАГА МАКТУБ

Солдат монологи

ОНАЖОН! Бу юрагимдан чиққан сўзни жанг қизиган оғир дақиқаларда қувонганимда, походда ва дам олганимда ҳамма вақт айтаман. ОНА сўзи жангчиларнинг калимаси бўлиб қолган.

Бугун куни билан сел қуйди, сўнг қорга айланди, аччиқ шамол увиллаб каскамнинг устида айланиб юрибди, барибир жанг қилдик. Мана, ҳозир қоп-қорғон тун, яримги сувга тўлган окопда немисларни кузатиб турибман. Дунёда фақат ёлғиз мен қолганга ўхшайман. чарчадим. лекин уйқум келмайди.

Қаршимиздаги ўрмонда немислар жойлашган. Биздар кафтдек текисдамиз. Ёнимдаги окоплардаги ўртоқларим нима ҳақида ўйлаётганларини билмадим. лекин мен сизни эслаб кетдим. Шундай отишма тамом бўлиб, бироз тинч қолсам сиз онажоним-кўз олдимга келасиз. Кап-катта бола бўлсам ҳам эркаланиб, сиз билан ётганларим эсимга тушса, бехосдан кулиб юбораман.

Ҳов ана, сиз дарвозадан кириб келаяпсиз. кавушингизни ечиб. айвонга чиқдингиз, ҳаммасини кўриб турибман. Ҳар куни махсингизни мен тортар эдим, энди махсингизни ўзингиз ечиб, менинг папкам турадиган бурчакка қўйдингизми?

Ёлғизлик қандай ёмон, зериқяпсиз, гаплашгани ҳеч ким йўқ. Менга хат ёзиш учун қўшниларникига чиқиб кетдингиз. Ҳа, ҳаммасини кўриб турибман. Қўшнимизнинг қизи, тенгдошим Раҳима сизнинг номингиздан хат ёзиб берди. уни ҳам кўриб турибман. Раҳима хат ёзаяпти, сиз мени эслаб юм-юм йиғлаяпсиз, мен фақат мана шу одатингизни ёмон кўраман. Йиғламанг! Мен немисларни туматақай қилиб ғалаба билан уйга қайтаман! Ҳа, қайтаман!

Мен сизни тушимда кўрсам. ҳовурим босилади, сиз ҳам мени тушингизда кўряпсизми?

Тонг бўзарди, ҳужумга кетдик. жанг тафсилотини дам олганимизда ёзаман. Мендан хавотир олманг, ахир ўнтўққизга тўлдим. жангчиман-ку!

Р. ИСҲОҚОВ,
Истеъфодаги офицернинг мактуби.

...ПАРТИЯ, ЛЕНИН ТУЗГАН ИШЧИ-ДЕҲҚОН ҚИЗИЛ АРМИЯСИ — ҒАЛАБА ҚИЛГАН ХАЛҚ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ГРАЖДАНЛАР УРУШИДА РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛДИ.

ЖАҲОН ИМПЕРИАЛИЗМИНИНГ ЗАРБДОР КУЧЛАРИ — ГЕРМАН ФАШИЗМИ ВА ЯПОН МИЛИТАРИЗМИ ТОР-МОР КЕЛТИРИЛГАНЛИГИ, СОВЕТ АРМИЯСИ ЎЗИНИНГ ҲАЛОСКОРЛИК ВАЗИФАСИНИ БАЖАРГАНЛИГИ ЕВРОПА ВА ОСИЁНИНГ БИР ҚАНЧА МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕВОЛЮЦИЯЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШИГА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАРАЖАДА ЁРДАМ БЕРДИ».

(КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига» Тезисларидан).

● *Буюк ғалаба солномаси*

МУЗЛАРГА тўқ ўрнаб...

Қаҳратон қиш, изғирин бўрон,
Аччиқ шамол тимдалар юзни.
Симёғочлар ҳуштак чалишар
Ҳатто очиб бўлмайди кўзни...

Ҳа, жангчилар тўқиган бу мисраларни. 1945 йилнинг январь ойи эди. Лайпак қор ёғаётир. Бунинг устига ғарб томондан эсаётган аччиқ изғирин юзни аёвсиз тимдалайди, қор уюмларини у ёқдан-бу ёққа учириб, кўз очгани қўймайди.

Дивизия командири генерал-майор Панков офицер Шодмон Умаровни ўз ҳузурига чақириб, жанговар буйруқ берди:

— Ўртоқ комбат,— деди генерал жиддий қиёфада, Варта дарёсини кечиб ўтиб, Вайсенбург шаҳрини эгаллаш тўғрисида қўмондонликдан буйруқ олдик. Бу ишни сизга топширишни лозим кўрдим, қалай, юрак урадими?

— Ватан учун жон фидо, ўртоқ генерал!— деди Умаров,—жанговар топшириқ албатта бажарилади.

Батальон командирининг жасоратидан илгари ҳам кўп марта мамнун бўлган генерал унинг қўлини маҳкам қисиб, бундай деди:

— Ишонаман, ғайратингизни яна бир бор кўрсатинг, арслон йигит!

Генерал Шодмон Умаровни кузатиб қоларкан:

—Оббо, азамат-е, қаҳрамонликка эгарийдиган одам-да, ўзи!— деб қолди.

Батальон командири Умаров жангчилар ёнига қайтиб келганида қош қорайиб қолганди. У фурсатни ўтказмай, командирларни, коммунист ва комсомолларни йиғди-ю, харитани ёйиб, вазият билан ҳаммани таништирди.

Батальондаги солдат ва офицерлар топшириқни сўзсиз бажариб, бўлинманинг шуҳратига шуҳрат қўшажакларини изҳор этишди.

Батальон командири Шодмон Умаров вазият ҳақида генералга радио орқали ахборот берди. Генерал Панков асосий кучлар етиб боргунча, дарёни сузиб ўтиб, нариги қирғоқда жойлашиб олиш зарурлигини уқтирди. Сўнгра бир қадам ҳам орқага қайтиш йўқ!— деди.

Командир буйруғи — Ватан буйруғи! Ҳа, жангда шунақа Умаров роталарни жой-жойига қўйди, ўз ихтиёридаги артиллерияни қулай позицияга жойлаштирди. Ҳамма тайёргарлик ишлари яна бир карра кўздан кечирилгач, дарёни сузиб ўтишга буйруқ берди.

Лейтенант Ёлкин раҳбарлигидаги рота биринчи бўлиб олға интилди. Бироқ душман сезиб қолди ва қуролларнинг барча туридан каттиқ ўт очди. Дўлдек ёғилаётган ўқлар остида бирор метр ҳам силжиш иложсиздек туюлди. Рота ҳужумни вақтинча тўхтатди. Дарёни сузиб ўтиш хавф остида қолди. Шу пайт батальон командири ўз ихтиёридаги танкчи ҳамда артиллериячиларга душманга қарши ўт очишни буюрди. Кейин кузатув пунктида штаб бошлиғини қолдирди-да, ўзи сиёсий қисм бўйича ўринбосари капитан Кончин билан бирга жангга ташланди.

Командирнинг шахсий намунасидан руҳланган ва илҳомланган Ёлкин ротасининг жангчилари худди бир кишидек дарёга ташланишди. Жаладек қуйилиб турган ўқлар уларнинг иродасини бука олмади. Солдатлар ва уларнинг командирлари муз харсангларига тўш уриб, нариги қирғоққа ошиқишарди. Старший сержант Семенов биринчи бўлиб қирғоққа чиқди. Тез орада комбат Умаров ҳам соҳилга кўтарилди. Фашистлар саросимага тушиб, чекина бошлади. Батальон жангчилари қўлга киритилган плацдармда дарҳол мустаҳкамланиб, уни кенгайтиришга киришди.

Бироқ, қўл қовуштириб, ёрдам кутиб туриш асло мумкин эмас. Батальон командири Шодмон Умаров қолган жангчиларни тўплади:

—Олдимизда Вайсенбург шаҳри!— деди у гвардиячиларга мурожаат қилиб,— душман тундаги хужумдан ўлгудек қўрқади.. Шунинг учун асосий кучлар етиб келишини кутмасдан, тунда шаҳарга қўққисдан бостириб кирамиз. Унгача ёрдам ҳам келиб қолади...

Эрталаб асосий кучлар етиб келди. Умаров батальонининг жангчилари Берлин томон илгариладб кетишди. Ғолиблар муносиб тақдирландилар. Варта дарёсини сузиб ўтиб, оғир вазиятда Вайсенбург шаҳрини қўлга киритиб, қўшинларимизнинг Берлин томон олға силжишига қулай имконият яратиб беришда алоҳида жасорат кўрсатганликлари учун батальон командири Шодмон Умаров ва унинг жанговар дўстлари — старший сержант Семенев, лейтенант Ёлкин, капитан Кончин Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонни олиш шарафига муяссар бўлдилар.

...Шодмон Умаров Улуғ Ватан уруши тамом бўлганидан сўнг Фрунзе номидаги ҳарбий Академияда таҳсил олди ва бу олий ҳарбий масканни муваффақиятли битириб чиқди.

Гвардиячи полковник Шодмон Умаров ҳозир Тошкент шаҳрида истиқомат қиляпти, Совет Қуролли Кучларининг жаҳоншумул тарихий ғалабаси тўғрисида ёшларга ҳикоя қилиб берияпти...

С. ҚОДИРОВ,
Истеъфодаги гвардиячи старший лейтенант.

«Қуёш билан қайт»

ЯНГИ ФИЛЬМЛАР

«Ўзбекфильм» киностудиясининг ёш режиссёри Ҳабибулла Файзиев ўзининг биринчи киноасари «Қаниют ғорининг сирини томошабинлар диққатига ҳавола қилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Мана энди унинг иккинчи картинаси «Қуёш билан қайт» тайёр бўлди.

Ёзувчи З. Фатхуллиннинг сценарийси асосида яратилган бу киноқисса ўзбек халқининг содиқ фарзанди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновнинг шуҳратли жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Кинолентада содда қалби олов, соф муҳаббат соҳиби ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади. Фильмда республика халқ артисти Ҳамза Умаров, артистлардан Лола Бадалова, Ражаб Адашев, Лариса Зубкович, Александр Милютин ва бошқалар қатнашганлар.

Ижодкорлар ўзларининг янги асарларини Ленин комсомолига бағишладилар,

В. ГОРГИЕВ.

СУРАТДА: фильмдан кадрлар.

Ҳар йили баҳор келади

ҲИКОЯ

Қуёш оловкор, осмон мусаффо эди. Бирдан чақмоқ чаққандай, момақалдироқ гумбурлагандай бўлди. Гўё осмондан узилган чақмоқ тўғри бошимга тушиб келаётгандай бирдан ўзимни панага олдим.

Йўлдан Назокат келяпти!

Унинг кўзларида ўша-ўша чақмоқ ёлқини, дудоқларида чечан табассуми, Назокат эмас, гўё баҳор келяпти. Баҳордай латофатли, баҳордай назокатли, баҳордай ёқимтой, баҳордай мунис...

Ўшанда ҳам эндигина бойчечак кўз очган эди. Ҳаводан кўкат ҳиди келарди. Нафас олиб тўймасдинг, ҳар хўплами қимиздай ҳузур, кайф-сафо берарди.

Эртаси ҳарбий хизматга жўнайдиган куним Назокат билан хилватда ёлғиз учрашадиган бўлдик. Висолгоҳ-тоғ этагидаги олчазор эди. Мен учрашувга эрта бордим. Уфқдан думаланиб тоғ ўркачига мингашиб қолган қуёш кўз тутгани келмай йиғлаётган ошиқ ўхшарди. Охир у ҳолдан тойиб, тоғ ортига қулаб кетди ҳамки, унинг қонли кўз ёшлари анчагача уфқ юзини бўяб турди.

Назокат мени йиғлатмади. Келди. Иккаламиз ҳам узоқ жим ўтирдик. Юраклар дукурлаб, панжалар титрар, кўзлар сўзлашар, аммо тиллар лол эди. Бу жимликдан қиз ниманидир кутарди. Бунинг учун мен нимадир қилишим керак эди. Лекин ўша «нимадир» шу пайт менинг қашшоқ бисотимдан топилмас, бундан хижолат чекардим.

«Чўлп» этиб бақа ўзини сувга ташлади. У чўчиб:

— Вой, —деди.

Мен:

— А?—дедим.

У:

— Нима? —деди.

Мен:

— Бугун ой чиқмайди,— дедим.

У индамади.

Яна огир жимлик чўкди. Бундан қутулиш йўлларини қидириб, бутун гапга чечан дўстларимни ўйлаб чиқдим. Охири:

—Сиз ойдек гўзалсиз, —дедим.

У:

—Ой совуқ, у қуёшдан нур олади, —деди.

Мен гап бошлаганимдан пушаймон бўлдим. Бундан жим ўтирган минг марта аъло эди. Назокат қўзғалди.

— Энди мен борай.

Шундагина мен эртага бу ердан жўнаб кетишимни, икки, балки уч йил уни бошқа кўрмаслигимни эслаб, юрагим орқамга тортиб кетди.

—Мен эртага кетаман, Назокат.

Назокатнинг қуйи эгилган киприклари аста кўтарилди. Оташ нигоҳи юз-кўзимни бир сийпалаб ўтди-ю, узоқ-узоқ уфқларга қадалганча қотиб қолди.

— Энди узоқ йиллар учрашмаймиз,— шундай дедим-у, томоғимга тош туриб, димоғим ачишди. Назокат осмонни тешгудай ўткир кўзларини бир нуқтага тикканча ҳамон жим турарди. Мен ҳам ўрнимдан турдим. У менга мулойим боқди.

—Кетамизми?

— Тоққа чиқамиз,—бирдан тилимга бу гап қаердан келиб қолганини билмайман, ҳар қалай бу фикрдан телбалардай севиниб кетдим, —қишлоқни яна бир марта тўйиб томоша қиламиз, йўқ деманг, Назокат.

Унинг чеҳрасидаги тундлик бирдан қаёққадир ғойиб бўлди-ю, қоронғу кеча чарақлаб кетди.

—Майли-ю, лекин битта шартим бор.

— Қанақа?

— Чарчаб қолсам кўтариб олasиз-да.

Юрагим уришдан тўхтаб қолай деди. Қувончдан қаршисида тиз чўкиб, елкамни тутдим.

— Энг чўққигача кўтариб чиқмаган номард, ўтиринг!

У хандон отиб кулди. Тоғу-тош, ер-замин қулганини мен ўшанда кўрганман. Ингит ёшим илк даъдафъа ўшанда қулган.

Шу қулги билан қўл ушлашиб тоғ ёнбағирлаб юрдик. У бирдан таққа тўхтаб қолди.

— Бувим нима дейди, йўқ-йўқ, хавотир олади, чиқмайман.

Бирдан бўғин-бўғиним бўшашиб кетди. Ёлвордим:

— Ахир ёш бола эмассиз-ку, йўқолиб қолмассиз, юринг, юра қолинг.

Яна юрдик. Дамба-дам «чарчамадингизми» деб сўраб қўяман.

У:

— Нимайди? —дейди ноз билан.

Мен:

— Чарчасангиз кўтариб олай девдим, —дейман.

У:

— Огирман-да, —дейди кулиб.

— Майли,— дейман.

У:

— Кўтаролмайсиз-да —дейди.

—Аксинча, қуш бўлиб учиб кетаман, —дейман.

У кулади.

— Емонсиз-а?

Бирдан нақ пешонамизда чақмоқ чақнади. Кейин момақалдироқнинг гумбур-гимбури бошланиб кетди. Тоғ ҳавоси шунақа-да. Осмонни қора булут қоплаганини сезмаган эканмиз. Ёмғир йирик-йирик томчилай бошлади. Савол назари билан унга қарадим. У шу пайт хулди бўри қаршисидан чиқиб қолган оҳуга ўхшарди.

— Энди нима қиламиз? —Унинг овозида қўрқув бор эди.

Уни ҳарсанг тош панасига бошладим.

— Кутиб турамиз ўтиб кетади.

—Тонггача қуйиб берса-чи?..

— Тонггача биз ҳам....—Унинг юзига қараб ҳозир ҳазил кўтармаслигини кўрдим-у, тилимга келганини чайнаб юбордим —Биласизми, бирдан шитоб билан бошланган ёмғир тез тинади.

Яна чақмоқ чақди. Момақалдироқ тоғни ларзага келтириб юборди. Шунда Назокат қўли билан қулоқларини чиппа беркитганича ўзини бағримга отди. Этларим уюшиб қолгандай жимирлайди. Унинг миқти, дуркун вужуди совуқданми, қўрқувданми дир-дир титрайди. Мен совқотмас, қўрқмас эдим, нимагадир, барибир мен ҳам қалтирар эдим.

Шу туришда қанча вақт ўтганини билмайман. Бир маҳал қарасам ёмғир тиниб, енгил шабада турибди. У ҳадеб Назокатнинг этагидан тортқилайди. Назокат эса ҳамон иссиқ пинжимдан чиққиси келмай, кўзларимга майин боқади. Шу бир-икки соат ичида мен тамом ўзгариб қолгандайман. Бағрим у билан тўлиб, тоғдай юксалган. Гўё шу туришда бир талпинсам қанот боғлаб учиб кетадигандайман.

Ўша тун тонггача тўлганиб чиқдим...

Кейин икки йил узоқда унинг суратига, қорачиғида бутун қишлоқ ҳусни-жамоли жо бўлган меҳригиё кўзларига сиғиндим.

Икки йил бир бўса таъми билан маст бўлиб, «кутаман» деган бир оғизгина сўз билан ўзимни дунёда энг бахтли ҳисоблаб юрдим.

Икки йил қишлоғимни, танишу-нотаниш ҳамқишлоқларимни соғинганимда кўз олдимга фақат у келди.

Икки йил чақмоқ чақса кўзларимда ўт чақнаб, момақалдироқ гумбурласа ўша оқшом, харсанг остидаги паноҳгоҳни эслаб юрагим эзилди.

Икки йил тушларимда фақат уни кўрдим, унга талпиндим.

Келсам...

Уни бегона дедилар!!!

Ҳар йили баҳор келади.

Ҳар йили чақмоқ такрор, момақалдироқ такрор.

Энди у ҳар баҳор момақалдироқ гумбурлаганда хойнахой биров билан ёнма-ён турib мени ўйлайди.

Энди мен уни қачон, қайда кўрсам худди момақалдироқ гумбурлагандай бўлади.

Ҳамма нарса такрорланади. Аммо чин севги такрорланмас экан.

М. МИРЗАРАҲИМОВ.

●Янги теъзрлар

Юсуфжон ҲАМДАМ

БОЛАЛИК ХОТИРАСИ

Болалик чоғига не етсин ахир,
Ўтдан ҳам, сувдан ҳам ўтасан омон.
Бир кун ота бўлиб фарзанд кўрсанг-да,
Қалбингда у шўхлик қилади туғён.
Ёшлик шўхликларим бўлмайди тамом,
Ҳатто кексаликка йўл тутса умр,
Эслатмасдан бўлмас, кўнгил ҳам тўлмас
Шўхликлар ўтади кўздан бирма-бир.

ЎЙНА РАЪНО

Ўйна Раъно мен тасаддуқ гулгин ўйнагин
Қувнасин эл, ўйнасин дил кулгин ўйнагин.
Рақсларингдан баҳраманд кўп ўпсин кўзингни
Ўйна раъно, қоматингдан унгин, ўйнагин.
Тавсифингни дўстларимга сўзласам манзур
Улма барно, сўлма барно мангу жавлон ур.
Нур сепарсан юзларингдан рақосаларга
Шўх қилиқлар, нозларинг бор айлагай масрур,
Узгалар ҳам менинг мафтун кўзларим бирлан
Кўриб сени қувнасинлар сен ўйна ён-ён
Майда ўрган сочларингни тўлғатиб ўйна.
Ҳамдамингга ёруғ эрур шу улуғ жаҳон.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

Менинг милициям энг содиқ соқчим,
Дўстлик садоқатда у асл инсон.
Ўт сўзли ва ўткир кўзлидир доим,
Она элга этар тинчликни эҳсон.
Тунларни тун демай, кундузни-кундуз,
У зийрак постида парвона, тийрак.
Тинчлик йўлларини босар изма-из,
Гоҳи йўқолгандан берар хуш дарак.
Эл-юрт бойлигининг қўриқчисидир,
Узи ҳам, сўзи ҳам ўткир ва дадил
Менинг милициям ҳимоячимга
Ташаккур сўзлари тўлиб тошар дил.
Кўксини қиладн қалқон тун-куни,
Жамоат тартиби девизи унинг.
Қадамлар босади тўла мазмуни,
У виждон эгаси порлоқ бу куннинг.
Чўғдай ялтирайди қизил юлдузи,
Ильичнинг шуъласи порлатар уни.
Жасорат, мардликдир унинг мактаби,
Милиция лаббай дер кундузи, туни.
Менинг милициям энг содиқ соқчим,
Дўстлик, садоқатда у асл инсон.
Уз сўзли ва ўткир кўзлидир доим,
Она элга этар тинчликни эҳсон.

●Фарзандларимиз учун

БОШДАГИ ҚИРОВ

— Кўриб олай бувижон,
бошингизни очингиз.
Неға худди пахтадек
бунча оппоқ сочингиз?

— Юрган эдим сен каби
бошга рўмол ўрамай,
қиров тушди сочимга
мендан рухсат сўрамай.

ДАМ ОЛИШ КУНИ ЭКАН...

Ҳар эрталаб устимдан
тортиб кўрпани,
ойим уч-тўрт марталаб
уйғотар мени.
Шошиб-пишиб чой ичиб,
мактабга томон
югурсам ҳам, кечикиб
борганим ёмон.
Синфдошларим ҳаммаси
синфда, жойида.
Мен эса қизараман,
бундан не фойда!
Бугун эрта уйғондим,
папкамни олдим,
мактабга томон чақон
югура қолдим.
Етиб борсам, эшик қулф!
Англадим аранг:
дам олиш куни экан,
бахтимни қаранг!

НУРБЕК.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

„БИР ЖУФТ ТЕРАК“

«Ёш гвардия» нашриёти яқинда шоира Эътибор Охунованинг «Бир жуфт терак» ҳикоялар китобини нашр этди. Асарда муҳаббат ва бахт, ишқ ва вафо, садоқат ва саодат тараннум этилади.

„ФОЗИЛЛАР ФАЗИЛАТИ“

Ғафур Ғулом номли бадиий адабиёт нашриёти адабиётшунос Ҳоди Зарифнинг «Фозиллар фазилати» деб аталган китобини чоп этди. Унда Алишер Навоий ҳақида ёзилган «Алишер Навоийнинг адабий муҳитига доир», «Лутфий ва Алишер Навоий», «Алишер Навоийнинг рубоий ва туюқлари ҳақида», «Мир Саройи», «Созлар мунозараси» ва бошқа мақолалар бор.

Р. ТИЛЛАЕВ.

ПЛАНЕТА янгиликлари

АПН, ТАСС мухбирлари хабар берадилар

Ватанпарварларнинг муваффақиятлари

ДАКАР. Гвинея (Бисау)даги Африка ватанпарварлари ўтган йилнинг декабрь ойида ва шу йил январь ойининг биринчи ярмида Португалия солдат ва офицерларидан 125 кишини қириб ташладилар. Гвинея ва Яшил бурун ороллари мустақиллиги Африка партиясининг ахборотида шу тўғрида гапирилади. Ватанпарварлар Португалиянинг 25 автомашинасини яксон қилдилар ва 1 самолётини уриб туширдилар. Гвинея Яшил бурун ороллари мустақиллиги Африка партиясининг жангчилари шарқий фронтда мустамлакачиларнинг мустаҳкамланган ҳарбий лагерини ишғол қилдилар.

(ТАСС).

АНГЛИЯ. Колчестер шаҳридаги хизматчи 60 ёшли Леонард Гант бўш вақтларида тамаки трубкаларини йиғиш билан банд бўлади. У йиғган 2500 та ноёб тамаки трубкалари ичида гилос дарахти, чинни, металл, тошдан ясалганлари ҳам бор.

Л. Гант бу ажойиб коллекциясини Колчестер музейига топшириш ниятида.

СУРАТДА: Л. Гант ўз коллекциялари билан.

Пресс Ассошэйшн —ТАСС фотоси.

Ҳушёрликка даъват

ПАРИЖ. Париж яқинидаги Нантер шаҳарчасида ишчилар, лицей студентлари ва ўқитувчиларининг оммавий митинги бўлди. Митинг қатнашчилари фашист группаларининг Францияда кейинги вақтларда авж олиб кетган босқинчилик ҳуружларига қарши норозилик билдирдилар.

Фашист унсурлар активлашиб қолганлиги муносабати билан Нантердаги оммавий митинг қатнашчилари меҳнаткашларни, студентларни ва ўқитувчиларни, мамлакатнинг бутун аҳолисини ҳушёр бўлиб, игвогарликка қарши биргаликда кураш олиб боришга чақирдилар.

(ТАСС).

Ленин юбилейига бағишланган виставкалар, фестиваллар

КАРОЧИ

Шарқий Покистоннинг порт шаҳри — Читтагонгда Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг юз йиллигига бағишланган фестиваль очилди. Читтагонг Ленин комитетининг президенти профессор Абул Фасал фестивални очиш маросимида сўзлаган нутқида инсоният учун ленинизмнинг жуда катта аҳамияти тўғрисида гапириб берди.

Ленинизм барча инсоннинкидир, бутун дунё меҳнаткашларникидир, деб таъкидлади ўз нутқида Читтагонг университети бенгал тили факультетининг декани профессор Сайд Али Аҳсан.

УЛАН—БАТОР

Пойтахтдаги В. И. Ленин музейида жаҳон пролетариати доҳийси туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган янги экспозиция очилди. Бу ерда монгол рассомларининг янги асарлари, амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда. Махсус стенд Монголияда улуғ Ленин номидаги корхоналар вужудга келишининг тарихи тўғрисида ҳикоя қилади, бу корхона коллективларининг МХР да социализм қуриш борасида эришган ютуқлари билан таништиради.

ХАРТУМ

Совет маданий марказида В. И. Ленинга бағишланган кино ҳафталик бошланди. Хартум аҳолиси «Ленин Октябрда», «Ленин 1918 йилда», «Олтинчи июль» каби совет фильмлари билан танишадилар.

(ТАСС).

Мозамбикни озод қилиш фронти отрядлари [ФРЕЛИМО] португалиялик мустамлакачиларига қарши муваффақиятли жанговар операциялар олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: Гете вилоятида жанговар ҳаракат қилаётган партизан отрядларидан бири.

ТАСС фотохроникаси.

ҚОРА НАРСА ҚОРА БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

«Пипл» газетасида собиқ инглиз солдатларининг Малайядаги кичкинагина қишлоқ аҳолисини ваҳшиёна жазолаганликлари ҳақидаги хабар босилгандан кейин орадан бир неча кунгина ўтиб кетди. Бир неча ўрнак бўладиган кун, холос. Ҳукмрон доираларнинг шарманда қиладиган бу қора доғни «ювиш учун» уриниб пропаганда машинасини аста-секин ишга туширишни кузатиш қизиқарли эди.

Телевидениенинг шарҳчилари дастлаб бу ваҳшийликни фош қилишга журъат этган собиқ солдатларни суд жавобгарлигига тортиш имконини берадиган қонун қоидаларини зўр бериб муҳокама қилишди. Бу ўринда улар воқеанинг бўлиб ўтганига 20 йилдан ҳам ошган бўлишига қарамай суд қарори жуда ва жуда қаттиқ бўлиши мумкинлигини қайд қилиб кўрсатдилар. Бундан кузатилган мақсад оддий: ҳақиқатни гапириб берган кишиларни ўз айтган сўзларини қайтиб олиш ва эски расмий таъбирни тасдиқлашга мажбур этишдан иборат эди. Бу таъбирга мувофиқ гўё деҳқонлар отиб ташланмаган-у, балки гаров тариқасида қамалган деҳқонлар қочиб кетаётганида отилган эмиш.

Кутилганидек, мудофаа министри анча ноаниқ ва бетайин баёнот берди. Бу баёнотда «мавжуд ҳужжатларни синчиклаб, чуқур ва ҳар тарафлама текшириш» зарурлиги кўрсатилади. Бироқ шундаёқ бир қисм ҳужжатларнинг «Узоқ Шарқда эканлиги ва уларни ҳам қидириб топиш керакли»ги айтилган эди. Бу расмий баёнотдан кузатилган мақсади ҳам текшириш ишларини ҳўжжатлар қидириш бақонаси билан грек календари муддатигача кетга суриш эди.

Шундан кейин «воқеа гувоҳлари»ни таклиф қила бошладилар. Уларнинг гаплари фош қиладиган гапларнинг тескариси эди. Ўша вақтда Малайяда ишлаб юрган журналист Гарр Миллер телевидениедаги суҳбатида «Пипл» газетасида ёзилган ҳамма нарсани рад этди ва шарҳчиларнинг саволларига «бу ваҳшиёна жазолаш бўлмади, бу ҳарбий ҳаракат эди, ўша вақт шароитида бирон нарса рўй бериши керак эди ахир ва у юз берди ҳам», деб жавоб қайтарди.

Лекин британиялик мустамлакачиларнинг қора нарсаларни оқартириш учун қилаётган ҳаракати аниқ барбод бўлмоқда. Шу кунлар ичида ялпи жазолашнинг даҳшатли манзараларига қўшимча тафсилотлар қўшилиб — янги далиллар пайдо бўлди.

«Сержант менга асирлар турган томонга қараб туришимни буюрди. Мен ўгирилдим. Бирдан менинг орқамда даҳшатли отишма бошланди. Хотин-қизлар ва болалар даҳшатли қичқиришди. Айланиб қараганимда ўлдирилганларнинг жасадларини кўрдим. холос». Буни Англия патрулининг собиқ йўл бошловчиси Жаффар Бин Таиб гапириб берди. «Сержант агар мен бу ҳақда бир оғиз сўз гапирадиган бўлсам қамоқхонага ташланишимни айтиб пўписа қилди. Мен 25 жасадни санадим. Бу даҳшатли манзара эди» деб кўшиб қўйди у.

Пропагандистлар жиноятни оқлаш учун уриниб, бундан 20 йил илгари гўё расмий текшириш ўтказилган, бу текшириш деҳқонларнинг қочиб кетганини ва бунинг натижасида ўзларининг ўққа тутилишига сабабчи бўлганликларини кўрсатган эди. Шу билан бирга ўқ изларн ўлдирилганларнинг орқаларидангина топилган эди, деган далилларни келтирадилар. Аммо ўша вақтда Малайянинг бош прокурори бўлиб ишлаган Стафор Фостер Суттон радио орқали гапириб: «Ўша вақтда расмий текшириш деган нарса бўлмаганди. Мен бу ҳодиса ҳақида сержант ва солдатлар берган хабарлар билан қаноатланиб кўяқолгандим» деб айтди.

— Эҳтимол бечора деҳқонларни разиллик билан орқаларидан отишгандир, — деган саволни беради баъзи газеталар. Буни ҳеч бўлмаганда шунинг учун истисно қилиш мумкин эмаски, «Морнинг пост» газетаси Малайяда мустамлакачилик уруши вақтидадаги шафқатсиз жазолашларни кўрсатадиган даҳшатли фотосуратни далил қилиб келтиради. Ўша вақтда олинган бу суратда Англия солдатининг икки қўлига малайялик ватанпарварларнинг кесилган бошларини ушлаган ҳолда тасвир этилган. Бундан 18 йил илгари бу сурат пайдо бўлганида пропаганда машинаси уни зўрлик билан қалбакилаштирилган сурат деб атаган эди. Бироқ ораден бир неча кун ўтган Англия парламентида унинг асл нусха сурат эканлиги эътироф этилди.

Кир ювучи пропагандистларнинг ҳар қандай зўр беришларига қарамай қора нарса қора бўлиб қолавереди. Малайяда бундан 20 йил илгари юз берган фожиа империализмнинг Лидице, Орадур, Хатинь ва Сонгмида қилган жиноятлари рўйхатига абадий кириб қолади.

А. УГЛОВ,
Лондон.
АПН мухбири.

КОЛУМБИЯ СТУДЕНТЛАРИНИНГ ЗАБАСТОВКАСИ

БОГОТА. Колумбияда студентларнинг маориф системасини демократлаштириш мақсадида бу системани ислоҳ қилиш йўлидаги ҳаракати кенгайиб бормоқда.

Миллий университетда медик студентларнинг забастовкаси бир неча кундан буён давом этмоқда. Бу забастовка бошқа факультетларга ҳам ёйилди.

(ТАСС).

ИТАЛИЯДА ЮБИЛЕЙ ТАНТАНАЛАРИ.

Италиянинг бир қатор шаҳарларида В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган коммунистлар ва демократик жамоатчилик вакилларининг йиғилишлари, митинглари, кечалари бўлиб ўтмоқда.

СУРАТДА: Италия Компартияси Рим Монтесокро кварталн ишчилари секциясининг йиғилиши. Италия Компартияси МКнинг аъзоси Антонио Пезенти «В. И. Ленин империализм ҳақида» деган темада доклад қилаётган пайти акс эттирилган.

Ю. Лопатин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ТАСС телетайп лентасидан

Мардлик фондига

ПАРИЖ. Коммунистик партия ва прогрессив ташкилотларнинг ташаббуси билан Франциянда курашаётган Вьетнам билан бирдамлик компанияси ўтмоқда. Бу компанияда ўқувчи ёшлар актив иштирок этмоқдалар. Компания вақтида корхоналарнинг, муассасалар ва ўқув юртларининг бутун бир коллективлари дорн-дармонлар сотиб олиш учун маблағ тўпламоқдалар. 20 тонна дори-дармон ортилган дастлабки самолёт Америка агрессорларига қарши кўрашаётган Вьетнам ватанпарварларига жўнатилди.

Синфий жанглар сабаби

ЛОНДОН. Англия ўқитувчилари иш ҳақининг оширилиши учун курашни давом эттирмоқдалар. Яқинда Бирмингем ўқитувчиларининг забастовкаси бошланди. Бу забастовка натижасида 300 мактаб ёпилиб қолди. Глазго, Ланкашир ва Ангус шаҳарларининг ўқитувчилари ҳам забастовка ўтказмоқдалар.

Берселона университетида ғалаён

Испаниядаги энг катта университетлардан бири — Барселона университетида забастовка давом этмоқда. 8 мингга яқин студент дарсларга келмай, ҳукуматнинг маориф соҳасидаги снёсатини ўзгартиришини, шунингдек мамлакатнинг демократик кучларига қарши репрессиялар тўхтатилишини талаб қилмоқдалар. Юньон франсэз дъэнформасьон агентлигининг хабар беришича, студентлар забастовкаси кенг тус олган.

Ленин юбилейи олдидан

КАРОЧИ. Покистоннинг энг йирик шаҳари — Карочидаги китоб магазинларида «Ленин ва СССРда миллий масаланинг ҳал этилиши» номли китоб сотила бошланди.

Китоб автори Салмон Аҳмад В. И. Ленининг озод, тенг ҳуқуқли ва қардош советлар мамлакати халқлари иттифоқини вужудга келтириш ҳақидаги васиятлари қай тариқа амалга оширилганлиги Ўрта Осиёдаги совет республикалари мисолида батафсил кўрсатиб беради.

Александр Бек

Фамилиясиз киши



Мен колоннанинг олдига ўтдим-да, қичқирдим.

—Саф бўйлаб хабар қилинг: пулемёт ротасининг командири олдинга чиқсин!

Ўн беш минут ўтгач, ҳарсиллаганича узун оёқ Заев югуриб келди.

—Ўртоқ комбат, буйруғингизга биноан етиб келдим!

—Нега сизнинг ротангиз чўзилиб кетди? Қачон дистанцияга риоя қиласизлар? Ротанинг юришини тартибга солмагунингизча, сизни саф олдида чақиравераман. Гап шу. Боринг!

Бир километрга чўзилиб кетган батальон сафи бўйлаб, олдинга югуриб ўтишнинг эса ўзи бўлмасди, ахир.

Кейин шу йўсинда иккинчи ротанинг командири Севрюковни ҳам чақирдим. У урушга қадар Олмаотадаги тамаки фабрикасида бош бухгалтер бўлиб ишлаган, ўрта ёшлардаги бир киши эди. Менга етиб олгач, Севрюков анча вақттача нафасини ростлаёлмай ҳансираб турди.

—Одамларимизга жуда оғир бўлаётир, ўртоқ комбат, — деди у қойишимни эшитиб бўлгач. Юкларнинг бир қисмини араваларга ортсак бўлмасмикин?

—Бундай хом хаёлни калланингдан чиқариб ташланг, —дея жавоб бердим мен.

—Ундай бўлса, ўртоқ комбат, орқада қолганларни нима қилиш керак? Ҳоли келмаганидан кейин уни қандай мажбур қилиб бўлади?

—Нимага ҳоли келмас экан? Буйруқни бажаришгами?

Севрюков индамади.

Шу зайлда барча рота командирлари олдимга бирма-бир келиб кетишди.

Аммо Севрюковни иккинчи бор чақиришга тўғри келди. Биринчи чақирганим унча таъсир қилмади шекилли, унинг ротасидаги баъзи жангчилар ҳамон орқада сургалиб келишарди.

Мен ўз ротасининг олдида ҳорғин қадам ташлаб бораётган қирқ ёшлардаги бу кишига назар ташладим. Унинг соқоли тоза қилиб қирилган ва чанг босган юзидан тер томчилари маржондай оқиб тушарди. Наҳотки, уни яна бир бор югуртиришга тўғри келса? Ахир бундай югуриш унга осон эмас-ку! Нима қилиш керак?

У одамларга раҳм қиладиган, мен эса уни аяйман, кейин-чи. Хўш, кейин жангга кирганимизда нима бўлади?

Мен отни йўргалатиб, олдинга чиқдим-да:

—Иккинчи рота командири саф олдига чиқсин! — дея қичқирдим.

Бу сафарги чақиришим бекор кетмади.

Бир оздан сўнг қарасам Севрюков ротанинг олдида эмас, балки ортида келяпти. Афтидан зардаси қайнаганлиги сезилиб турар, ҳаракати қатъий, овози ҳам жарангдор — ҳақиқий командирларникига ўхшаб кескин эшитиларди.

Бутун колонна тартибга келган, взвод ораликлари аниқланган бўлиб, сургалиб келувчилар ҳам кўринмай қолганди.

Шундай қилиб, биронта ҳам кишимиз орқада қолмай, эллик километрлик масофани босиб ўтдик ва белгиланган жойга етиб бордик.

Лекин одамлар қаттиқ чарчашган эди. «Тарқалинг!» командаси берилиши биланоқ, жангчилар дарҳол майсазорларга чўзилишди. Улар, энди тушлик овқат беришса, еб оламизу, ётиб ухлаймиз, деб ўйлашарди.

Аммо уларнинг ўйлаганича бўлмади.

3

Биз ўзимиз билан бирга, белгиланган тартибга мувофиқ, бир неча кўчма ошхона олиб чиққан эдик. Аммо мен тунаш жойимизга етиб келганимиздан сўнг, ошхоналар учун ўтин тайёрламасликни, қозонларда ҳеч нарса пиширмасликни, озиқ-овқатни қизил аскар нормаси бўйича: гўшт — шунча грамм, крупа —шунча, ёғ— шунча деб, ҳар кимга хом ҳолида тарқатишни буюрдим.

Буни эшитиб, командирларимиз ҳам, жангчиларнинг ҳам кўзлари косасидан чиқаёзди. Ахир хом нарсани қандай еб бўлади? Кўплари илгари овқат пишириш у ёқда турсин, қозонга яқин ҳам боришмаган эди. Шов-шув бошланди:

—Кўчма ошхонамиз борку! Овқат пиширилмайдиган бўлса, унинг нима кераги бор? Пиширib берилсин.

—Жим, бўлинг! Айтганни бажаринг! Ҳар бир жангчи ўз овқатини ўзи пиширib есин! —дея бақириб бердим мен.

Шундай қилиб, бепоён қозоқ даштида, Или дарёсининг бўйида юзлаб гулханлар ёна бошлади. Баъзи жангчилар шундай чарчашган эдики, ҳатто овқат пиширib ўтирмай, очдан-оч ухлаб қолишди. Айримларининг пиширган бўтқаси тагига олиб кетди, баъзиларининг шўрваси тўкилиб кетди, шундай қилиб, пиширилган овқат ейишдан кўра кўпроқ исроф қилинди. Бу жангчилар учун ошпазлик бобидаги дастлабки сабоқ бўлди.

Эрталаб ҳам ошхонада овқат тайёрлатмай, жангчиларга масаллиқни хомлигича тарқатишни буюрдим.

Нонуштадан сўнг, батальон сафга тизилди. Мен жангчиларга қараб, қисқача нутқ сўзладим. Нутқим тахминан шундай бўлган эди:

— Биринчидан, сиз, ўртоқлар, юришнинг бундай узоқлигидан, оғирлигидан норозси бўлдингиз. Бу атайлаб шундай қилинди. Биз ҳали жанг қиламиз, эллик эмас, юз эмас, бир неча юз километр масофани босиб ўтишга тўғри келади. Урушда душмандан устун келиш учун, уни алдаб, қўққисдан зарба бериш учун, бундан ҳам узоқроқ, бундан ҳам қийинроқ йўлни босиб ўтиш керак бўлиб қолади. Бу ҳали ҳолва, зўрини кейинроқ кўрасиз. Машҳур рус саркардаси Александр Васильевич Суворов ўзининг ажойиб ҳодирлар деб номланган солдатларини шундай чиниқтирган. У бизга: «Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади!» — деб васият қилиб кетди. Суворовчасига жанг қилишни истайсизми? Ким хоҳламаса, икки қадам олдинга чиқсин.

Сафдан ҳеч ким чиқмади. Сўзимда давом этдим:

— Иккинчиси, сиз тайёр кўчма ошхона бўлгани ҳолда озуқани хомлигича бўлиб бердирганимга, чарчаганларингизга қарамай, ўз овқатингизни ўзингизга пиширтирганимга норози бўлдингиз. Бу ҳам атайлаб қилинди. Урушда кўчма ошхона ҳамма вақт ҳузурингизда бўлади деб ўйлайсизми? Янглишасиз! Урушда ошхона орқада қолиб кетиши мумкин. Оч қоладиган кунлар ҳам бўлади, эшитяпсизларми? Оч қолишингиз, чекишга тамаки топилмаслиги турган гап. уруш одати, солдат ҳаётининг ўзи шундай. Пайти келганда сен е, мен е, пайти келганда очликдан ичагинг чуриллайди. Шундай экан, чидаш керак, аскарлик шаънинга доғ тушира кўрма! — Кўксингни кериб, қаддингни тик тут! Ҳар бирингиз овқат пиширишни ўрганишингиз керак. Ўз ошингни ўзинг пиширib ича олмасанг, сен қанақа солдатсан, сендан қандай жангчи чиқсин? Ораларингизда умрида овқат пиширib кўрмаганлар борлигини яхши биламан. Баъзиларингиз уйга келардингиз-да, хотинларингизга қараб: «Қорин очди, овқат олиб кел!» дердингиз ёки кечқурунлари ресторанга бориб «Ҳой официант! Бир кружка пиво билан гамбургча бифштекс бер!» — дея қичқирардингиз. Қарангки, бифштекс ўрнига эллик километрлик юриш бўлиб чиқди, боз устига икки пуд келадиган солдат юки елкада, овқатингни ҳам котелокда ўзинг пиширib ич! Овқат пиширaётганингизда мени кўрганингиз йўқ эди. Тўғрими?

— Тўғри. ўртоқ комбат Тўғри! —деган овозлар эшитилди.

Жангчилар билан менинг ўртамда дўстона муносабат ўрнатилиб, кўнгилдаги кир ювилиб кетганди. Биз бирбиримизни тушуна бошлаган эдик.

4

Орқага қайтдик.

Бизнинг лагеримиз жойлашган Талғар станцияси томон теп-текис тош йўл билан бориларди. Бундай йўлдан юриш, енгил эди, албатта.

Қийинчиликдан қочиб, текис йўлдан кетамизми? Йўқ бундай йўл керак эмас! Нима, урушда фақат тош йўлдангина юришармиди?

Одамларни шаҳал ётқизилган йўлдан эмас, балки уйдан икки юз метрча четроқдан олиб юришни буюрдим. Олдингдан тош чиқса, босиб, ўт, чўқур чиқса, сакра; қум чиқса, унинг устидан юриб кетавер!

Ғир этган шабада сезилмасди. Қуёш тобига олиб қиздирмоқда эди. Саратон чилласининг белгиси —кўз учидан шаффоф кўринib турарди.

Бундай жазирама иссиқда оғир юкни орқалаб йўл юриш қийинлигини, аммо уруш учун урушда голиб чиқиш учун қийинчиликларга бардош бериш лозим эди.

Бир маҳал кенг тамаки даласига дуч келиб қолдик. Жангчилар ана шу дала ўртасидаги сўқмоқ йўлдан юриб кетишди. Тамаки одам бўйи ўсиб кетган эди. Унинг қуёш нурини эмиб, атрофга аччиқ ҳид тарқатиб турган япроқлари шабада йўқлигидан миқ этмай турарди.

Жангчилар даланинг ярмисини кесиб ўтиб, батальоннинг деярли ҳаммаси тамакизор ичига кириб борганида бирдан кутилмаган воқеа рўй берди: кишилар кетма-кет қулаб тушаверишди.

Нима гап ўзи? Жон-пошим чиқиб кетди. Бир зумда таъсир қиладиган дақшатли касалга йўлиқиб қолдикми? Одамлар оҳ-воҳсиз худди ўликдай қотиб ётишарди.

Тезда аравалардаги юкларни, пулемёт, миномёт, ўқ-дориларни туширдик-да, йиқилган одамларни бир амаллаб тепаликдаги ариқ ёнига олиб чиқдик. Тамаки ҳиди анқиб турган даладан узоқлашгандан кейингина кишилар ўзларига кела бошлашди.

Бироқ батальонда тартиб бузилиб, роталар бир-бири билан аралашиб кетган эди. Жангчиларнинг бири ўтирар, бири ётар, бири сувга ботирилган ҳўл рўмолини бошига босиб, оҳ-воҳ қиларди. Баъзилари эса қайт қилишарди.

Давоми бор.

(Давоми. Боши газетанинг 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 42, 43-сонларида).

● ТЕКИНХЎРЛИК, БЕЗОРИЛИК, ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

АРОҚХЎРЛИК — ЖИНОЯТ

Кўпчилик жиноятлар маст бўлганда содир бўлади. Каноп фабрикасининг ишчиси А. Панин учун ҳали сотиб олинмаган шиша бало бўлди.

У ширакайф ҳолда тунда уйга келиб, яна ичиш учун хотинидан икки сўм сўради. У пул сўрар экан, ҳар қачонгидек хотини ва қизига дўқ урди.

—Менинг уйим зиндон, — қичқирди Панин (у бир марта безорилиги учун қамалиб чиққан). Шу йўсинда хотинини қўрқитиб пул олгач, кўчага чиқиб кетди.

Кўчада эса қиёмига етган безори онаси билан келаётган бир йигитни учратиб, ундан папирос сўради. Папирос йўқ, жавобини олган Панин ёш йигитчага пичоқ урди....

Кейин эса тўрт киши милицияда учрашишди: Панин билан унинг хотини, Е. В. Лихошерст ва унинг жафокаш ўғли В. Лихошерст.

Жиноий иш Ленин район халқ судига оширилди. Биз ҳукм чиқарилгандан сўнг судья Ш. М. Бикеев билан учрашдик.

— Жиноятига яраша жазо олди, — деди судья.— Аммо иккинчи бир нарса ташвишлантиряпти. Аэропорт районидан безорилик ҳақида жуда кўп ишлар келмоқда. Уларнинг ҳаммаси мастликда содир бўлган. Пойтахтнинг бу участкаси Ленин район ички ишлар бўлимининг 2-бўлимасига қарайди. Улар аҳоли ўртасида ишни яхшилашлари лозим.

Я. АЛИЗОДА.

ИЧКИЛИКБОЗЛАР ҲОМИЙСИ

Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг клуби меҳнаткашлар вакиллари билан лиқ тўлган. Бу ерда ибратли суд бўлади. Залда шовқин тиниб, «Суд келяпти, ўрнингиздан туринг» деган овоз таралади.

Қора курсида Киров районидаги озиқ-овқат савдоси бўлимининг 35-магазини қоровули Неъмат Исҳоқов ўтиришибди.

Ранслик қилувчи Киров район халқ судьяси А. А. Азизхўжаев айбномани ўқиб эшиттиради. У тўпланганларни содир бўлган жиноят билан таништиради. Исҳоқовнинг айби нимада!

— Сиз спиртли ичимликларни қаердан сотиб олгансиз! — деб савол беради судья.

— Пушкин кўчасидаги гастрономдан.

— Сиз навбатчилигингизга қанча шишада ичимлик сотиб олиб келдингиз.

— 10 шиша вино ва икки шиша ароқ.

— Сотиш мақсадидами!

— Ҳа, шундай...

Исҳоқов каби ичкиликбозларнинг ҳомийлари ўзларининг ярамас қилмишлари билан безорилар жиноят қилишларига сабабчи бўлмоқдалар. Ярим кечада кимга ичкилик керак! Албатта, текинхўрга, ичкиликбозга, саёқларга ва безорилларга. Оилалардаги бахтсизлик, фожиали ҳодисалар, турли можаролар, дангасалик, ишдан ҳафсаласи пир бўлишлик ва ҳоказолар ана шу ичкиликбозликнинг оқибатида келиб чиқмоқда.

Бу ерда бир нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, Н. Исҳоқов ўз ишига жуда муғомбирлик билан муносабатда бўлган. У шишадаги ичимликларни магазин ҳовлисидаги яшчикларнинг остига ва бидонларга яшириб қўйган.

Қоровул Исҳоқовнинг айбдорлик иши бўйича прокурор Р. Жўраев сўз олади. У айбдар қилмишига яраша жазоланиши керакligини ўқтириб ўтади.

Суд ҳукм чиқаради. Исҳоқов бир ярим йилга озодликдан маҳрум этилди.

Э. МУҲАМЕДОВ.

СУРАТДА: 35-магазиннинг собиқ қоровули Н. Исҳоқов ичимликни пуллаётган пайти.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24|II да **Русалка**, 25|II да **Спартак**, 26|II да **Чио-чио-сан**, 27|II да **Оққуш кўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24|II да **Олтинчи июль**, 25|II да **Олтинчи июль**, 26|II да **Парвона**, 27|II да **Замон драмаси**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25|II да **Қайнона**, 26|II да **Тошболта ошиқ**, 27|II да **Ажаб савдолар**, 28|II да **Паранжи сирлари**.

Кино

24 февралда

Қирқ биринчи йил олмалари— ««ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кеч 9 да).

Усмирлар (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1, 4, кеч 6 яримда).

Қашқир наъраси — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Антиқа кўргазма (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 9.40 минутда). **Виннету — апачлар сардори** (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да):— «МОСКВА».

25 ФЕВРАЛДА

Қирқ биринчи йил олмалари— «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кеч 9 да).

Усмирлар (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кунуз ва кечқурун), «САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1, 4, кеч 6 яримда).

Қашқир наъраси — «СПУТНИК», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Антиқа кўргазма (эрталаб соат 10, кунуз 2, кеч 6 ва 9,40 минутда), **Виннету — апачлар сардори** (кундуз соат 12, 4, кеч 8 да): — «МОСКВА».

Она муҳаббати —НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз соат 4 яримда).

6 март кундуз соат 2 да Тошкент политехника институти қурилиш ва архитектура факультетларининг илмий совети кенгаши (Я. Колас кўчаси, 16 уй, 49 аудитория)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун **Ю. А. Гамбург**: «Пастки қисми эгилувчан иморатларнинг сейсмикага чидамлилигини текшириш» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13 уй)да танишиш мумкин.

4 март кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химия-технология бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Черданцев кўчаси, 19 уй)да химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Д. Р. Юнусова: «Гумин кислоталар асосида ион алмашинувчи карбоксилликатионитларнинг олиниши» деган темада;

Д. А. Раҳимов: «Винка Эректа ўсимлигининг алкалоидларини текшириш. Эрвинцеин, эрвамицин, эрвинцинин ва винканицинларнинг тузилиши» деган темада;

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй)да танишиш мумкин.

«МОСКВА» кинотеатри

(Новомосковский кўчаси, 20 уй)

21 ФЕВРАЛДАН

кинофильмларни кенг форматли экранда

КЎРСАТИШНИ БОШЛАЙДИ

кинотеатрда қуйидаги рангли кенг форматли бадиий фильмларни томоша қилишингиз мумкин.

23 февралда

«ҚЎЛГА ТУШМАС ҚАСОСКОРЛАРНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ»

(эрталаб соат 10 яримда)

24 ФЕВРАЛДАН

«ВИННЕТУ АПАЧЛАР САРДОРИ»

(кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да)

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади. Олдиндан билет сотиш кассалари очиқ.

Справкалар учун телефон: 33-05-01.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АБОНЕМЕНТЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН

ЗАЯВКАЛАР БЕРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ

АБОНЕМЕНТЛАР 25 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ СОТИЛАДИ

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги Титов номли спорт —интернат мактаб томонидан Отажонов Ҳамид номига берилган 190133 номерли

УРТА МАЪЛУМОТИ ТЎҒРИСИДАГИ

АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШҚАРМАСИГА

машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 6 уй, 4-қават, 70 хона, кадрлар бўлими. Телефон №33-57-05.

РАДИО

23 ФЕВРАЛЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Юбилей мусобақаси илғорлари» циклидан (русча). **18.10** Рақс куйлари. **19.20** Операладан парчалар. **20.00** «Совет Ватани ҳимоячиси» программаси. **21.00** «Ленинном программаси. **21.30** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. **22.20** Санъат усталари — совет жангчиларига. **23.15** «Санъат усталари — совет жангчиларига» деган концертнинг давоми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг концерти. **19.30** «Байрам паради». Музикали-адабий композиция. **20.00** Фашистлар Германияси устидан қилинган ғалабанинг 25 йиллиги олдидан. «Тўйдаги учрашув» повестидан парча (гожикча). **20.20** Мақомлардан парчалар. **21.00** Ҳ. Олимжон. «Роксананинг кўз ёшлари». «Жангчи Турсун» балладалари (ўзбекча). **21.40** Москва. Миллионлар ленинча университети.

24 ФЕВРАЛЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Миртемир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. **9.30** С. Юдаков. «Ленин хотираси» поэмаси. **10.10** Белорус куйлари. **10.30** М. Ашрафий. «Севги тумори» балетидан парчалар. **11.15** «Институт ва лабораторияларда» (ўзбекча). **11.30** Концерт. **13.30** Куйлардан-куйларга. **15.15** «Замондошларимиз» Адабий эшиттириш (русча). **15.30** Ёшлар ижоди (ўзбекча). **16.10** «Ўзбекистон композиторлари асарларида ёшлар ва комсомоллар образи» деган эшиттириш. **16.50** «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Қишлоқдаги ўқиш» (русча). **18.10** Р. Ҳамроев. Фортепьяно ва оркестр учун концерт-поэма. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** «Нодир ёзувлар». Ўзбекистон ССР халқ артистлари Назира Аҳмедова ва Бобораҳим Мирзаев. **20.00** «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро темаларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Ўзбекистон композиторларининг романслари. **22.40** «Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси». Усмон Носир шеърлари. **23.15** Муқимий лирикаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Д. Кабалевский ва Т. Хренников асарлари. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 «Мангу жасорат» (ўзбекча). **19.30** А. Свешников раҳбарлигидаги хор куйлари. **20.00** Тожик халқ қўшиқлари. **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** «Сенинг шарафли номинг». Қозоғистон радиосининг эшиттириши. **21.00** С. Цвейг. «Ёз новелласи» (ўзбекча). **21.40** Москва. Миллионлар ленинча университети.

ТЕЛЕВИЗОР

23 ФЕВРАЛЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Советский воин». Тележурнал (рус тилида).

Узбек тилида: 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». **19.40** «Ахборот» информацион программаси (ўзбек ва рус тилларида). **20.10** «Биз бир қишлоқданмиз». Телеочерк. **20.25** Тошкент — дўстлик шаҳри. **21.45** Телевизион театр. У. Исмоилов. «ЗАФАР».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

24.00 «Вақт» информацион программаси. **00.45** Рангли телевидение. Концерт. **01.45** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: 18.00 Ўқувчилар учун. Эстетика асосларидан. «Музика ва хореография». **18.35** 10-синф. Биология «Организмда эмбрионнинг ривожланиши». **19.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.10** «Худди шундай болалар». Ҳужжатли фильм. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Совет мамлакатининг қуролли кучлари. **22.00** А. Крон. «Флот офицери». Телеспектакль премьераси.

24 ФЕВРАЛЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Телевизион янгиликлар. **18.15** «Болтиқ қўшиқлари». Болалар учун телефильм. **18.30** «Олмалиқ рух заводи — умумхалқ қурилиши». **18.50** «Актёрлар ва роллар». Тўғон Режаматов. **19.50** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Узбек тилида: 20.00 Телевизион янгиликлар. **20.15** «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. **20.45** Киноленинном. «Биз якка эмасмиз». **21.05** Ўн минут музика. **21.15** Қишлоқ хўжалиги билимлари университети. **21.50** «Биринчи қиз». Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 18.00 Ўқувчилар учун. «Музика ва хореография». **18.35** 10-синф. Биология. «Организмда эмбрионнинг ривожланиши». **19.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** «Ихтиро-чи». Телевизион клуб. **20.45** Реклама. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Порла, юлдузча». **21.30** Миллионлар ленинча университети. Тарихий материализм. «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси». **22.00** Рангли телевидение. «Одам —амфибия». Бадиий фильм. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

Октябрь район маориф бўлими, 169-мактаб дирекцияси партия ва касаба союз ташкилотлари мактабнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Н. Ғуломова отаси

Ғулом САЪДИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 23 ФЕВРАЛЬ, 1970 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579 НАШР 2735. Р — 02277.